

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



milliy tiklanish

№ 15 (1117) 2021 йил 5 май, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mf.uz / gazeta@mf.uz / mtiklanish@mail.ru



ЎЗЛИК САРИ ЙЎЛ

3



ЙА ДИЮҚА-Л-ЛАЗИНА АМАНУ...



«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» КЎНГИЛОЧАР МАСКАН ЭМАС

4

3 Ургутликлар Бахтиёр Мирзаевдан миннатдор

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини янада ошириш ишига халқ депутатлари Ургут тумани Кенгаши депутати Бахтиёр Мирзаев ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

4 560 минг битирувчининг бандлиги қандай таъминланади?

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги йиғилишида 1 миллион 600 минг фуқаронинг ишсиз экани маълум қилинди. Уларнинг 805 мингдан ортиғи эса 16-30 ёшдагилар.

4 «Депутат аёллар клуби» ўз фаолиятини оқлаяптими?

"Депутат аёллар клуби" фаолиятига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бугун бир қатор амалий ишлар қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг аёллар билан ишлаш даражаси янги босқичга кўтарилди.

6 Хотира бор экан - миллат барҳаёт!

Ҳабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармони билан Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги барча фахрийларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида 9 май - Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ва унга тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

ЖАНОБ

ЛИБЕРАЛЛАР,



СУКУТ АЛОМАТИ РИЗОМИ?

БИЗ УЧУН COVID ХАВФЛИМИ ЁКИ ЙТХ



НАСИМИЙ ЎЛИМИГА НИМА САБАБ БЎЛГАН?

6

4 МАНСАБДОРЛАР ХАТТИ-ҲАРАКАТИГА ҲУҚУҚИЙ БАҲО БЕРИЛИШИ КЕРАК!



«ҲЕЧ ҚАЧОН СССРНИНГ ҚОНЛИ БАЙРОҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЎТАРИЛМАЙДИ»

4



КАЗБЕК

ёхуд боши учун Гитлер 50 минг немис маркаси ваъда қилган ўзбекистонлик жангчи ҳақида сўз



7




Субсидиялардан хабарингиз борми?

2021 йилнинг 1 мартдан бошлаб, юртимизда ички авиақатновлар чипта нархларининг 25 фоизи ҳамда туроператор ва турагентлар томонидан маҳаллий сайёҳлар учун ташкил этилган турларга авиа ва темирйўл чипталари нархининг 15 фоизи миқдоридан субсидиялар ажратиладиган авиа ва темирйўл йўналишлари белгиланди.

Шу ўринда махсус комиссия томонидан субсидияланадиган 10 та авиақатнов йўналиши чипта нархларининг энг юқори суммалари ҳам тасдиқланганини айтиш жоиз. Мисол учун, «Самарқанд-Наманган» авиақатновидаги чипта нархи 666 782 сўмни ташкил этган бўлса, авиа-шувчиға берилладиган субсидия ҳисобига ушбу чипта нархнинг энг юқори суммаси 500 086 сўмни ташкил этди. Чипта туроператор орқали харид қилинганда эса унинг нархи 425 073 сўмни ташкил қиладиган бўлди.

Туроператорлар ва турагентлар томонидан тур доирасида харид қилинган «Андижон-Хива-Андижон», «Термиз-Қарши-Хива» ва «Термиз-Қарши-Самарқанд» йўналишлари ҳам субсидияланадиган йўналишларга киритилди.



Шу билан бирга, Махсус комиссия қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қароридан назарда тутилган жамоавий чипталарни сотиб олиш гуруҳидагилар сони 10 нафардан 24 нафаргача бўлганда - 10 фоизли, 25 ва ундан ортиқ кишилик гуруҳ учун эса 15 фоизли чегирмалар сақланиб қолинди.

Махсус комиссия қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 964-сон қарорига асосан, йўловчи поездлари чипта нархларига (тарифлар) ўзгариш киритган тақдирда бу тўғрисида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Туризм ва спорт вазирлигининг расмий сайтлари ҳамда бошқа ОАВлар ва иж-

тимоий тармоқларда эълон бериб бориши лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, қарор билан республика бўйлаб жойлаштириш воситаларининг меҳмонхона хизматлари нархларининг субсидияланадиган энг юқори (чекланган) даражаси (суммаси) 250 минг сўм этиб тасдиқланди.

Бунда туроператор ва турагент томонидан республика бўйлаб ташкил этилган тур давомида меҳмонхона хизматининг 10 фоиз миқдоридан субсидияланадиган энг юқори суммаси 25 минг сўмдан ошмаслиги белгиланди.

Президентимизнинг ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Фармониинг имзоланиши Фарғона водийсида истиқомат қилувчи аҳоли учун Бухоро, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятларига,

ушбу ҳудудлар аҳолисининг эса Фарғона водийсига саёҳат қилишлари учун қўлай имконият яратди.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида йўлга қуйилган «Урганч-Фарғона-Урганч» авиайўналишининг биринчи ойида самолётларнинг бандлиги 43,7 фоизни ташкил этган бўлса, туроператор ва турагентларга яратилган қўшимча имконият натижасида самолётлар бандлиги март ойидагина 87,9 фоизга, яъни икки баробарга ошди.

Туризм ва спорт вазирлиги Ахборот хизматининг хабар қилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги 6165-сон Фармониға мувофиқ, юқоридаги субсидиялар бўйича тўловлар 2021 йил 1 мартдан бошлаб ташкил этилган саёҳатлар учун қоплаб берилди.

Эзгулик улашиш мавсумий тадбир эмас

Ўтган ҳафта навбатдаги «Меҳр-5» операцияси амалга оширилиб, тадбир доирасида Суриядаги уруш кетаётган «қайноқ нуқта» – «Ал-Хол» лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 аёл ва 69 нафар бола юртимизга қайтарилди.

Маълумки, ушбу операция 2019 йилда бошланган бўлиб, икки бор 220 нафар аёл ва бола яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли тўқнашув ҳудудларидан ўз уйларига қайтарилган эди. Шунингдек, 2020 йилнинг декабрида «Меҳр-3» ва жорий йилнинг март ойи бошида «Меҳр-4» операциялари доирасида яна 122 киши Ўзбекистонга қайтарилди.



Бу ишлар, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунга энг аввало бир қатор давлатлар ва халқорамлакатимизда қарор толган инсонпарварлик, адолат учун шўқрона қилмоқдалар.

Албатта, инсон ўз умри давомида турфа йўллари босиб ўтар, жиноят кўчасига кириб қолган эса бундай инсонларга эзгулик йўлини кўрсатиш том маънодаги бағрикенглик ҳисобланади.

Айни пайтда қилмишиға пушаймон бўлганлар ўз фарзандларини бағриға босиб, мамлакатимизда қарор толган инсонпарварлик, адолат учун шўқрона қилмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, барча юртдошларимиз юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли изчил ишларда иштирок этиб, «Инсон манфаати ҳар нарсадан устун» дея номланган инсонпарварлик тамойилининг амалда мавжуд эканиға яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдалар. Улар янги орзу-ўйлар, марралар сари интилишмоқда. Одамлар хоҳиш-истаги билан амалга оширилган ҳар қандай эзгу мақсад эса албатта, ўз натижасини беради.

Жамшид КАРИМОВ,
Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутати



Қуйи бўғинларнинг сиёсий «жанговарлиги» ўрганилмоқда

Маълумки, ўтган йили дунё мамлакатлари қатори мамлакатимизда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг қуйи ташкилотлари ҳам онлайн тизимда масофадан ишлади. Айни кунда эса партия гоёси, дастурий мақсад-вазифаларини аҳолиға етказиш, партия электорати ва фуқаролар муаммоларини ўрганиш, уларға ижобий ечим топиш ишлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда давом эттирилмоқда.

Айни шу жараёнда қуйи ташкилотлар фаоллигини ошириш, партиянинг 2020-2024 йилларға мўлжалланган Сайловолди дастурини ҳаётға татбиқ этишда ташаббускорлигини кучайтириш лозим. Чунки бугун одамлар сиёсий партиялардан қуруқ ваъдалар, баландпарвоз маърузалар эмас, балки аниқ амалий ишларни кутмоқдалар.

Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлар фаолиятини мазкур мезонлар асосида ташкил этиш мақсадида партия Марказий кенгаши раҳбарияти ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳудудларда бўлиб, қуйи бўғинларға амалий кўмак бермоқда. Уларнинг моддий-техник базасидан тортиб, ҳар бир партия аъзосининг партия гоёларига дахлдорлиги ва ташаббускорлиги ўрганилмоқда.

Жумладан, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосарлари Баҳодир Маматхонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилояти туманларида ҳамда Феруза Мухамеджанова бошчилигидаги ишчи гуруҳ эса Тошкент шаҳар туманларида ўрганишларни амалга оширмоқдалар.

Саҳифани Дониёр ТОШБОЕВ тайёрлади.

Огоҳлик

БИЗ УЧУН COVID ХАВФЛИМИ ЁКИ ЙТХ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йили сайёрамизнинг 1,4 млн. аҳолиси йўлларда ҳалок бўлган. Бу бир кун ичида 3800 киши ёки ҳар 100 минг аҳолининг қарийб 19 нафари бевақт ўлим топди, деганидир. Бахтсиз ҳодисаларда ўлим даражаси ҳар йили 30 дан 50 миллион кишиға тўғри келяпти. Ўлим ҳолатларининг ярмидан кўпи эса пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар орасида содир бўлар экан...

2019 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўл транспорт ҳодисалари бўйича энг хавфли давлатлар 10 талигини ҳам эълон қилди. Унга кўра, Доминика Республикасида 40,9 минг, Бурундида 38,5, Либерияда 38,2, Сурияда 35,1, Марказий Африка Республикасида 34,8, Конгода 34,2, Камерунда 32,8, Чадда 31,6, Буркина-Фасода 31 ва Ҳиндистонда 30,8 минг киши ЙТХ қурбони бўлган.

Энди бошқа бир рақамни келтирсак: 2021 йили дунё миқёсида коронавирус инфекциясидан 3 млн. 233 минг 327 киши вафот этибди. Ўзбекистонда эса 2021 йилнинг 3 ойида 1491 та ЙТХ содир эти-


либ, унда 394 нафар юртдошимиз ҳаётдан кўз юмган.

Қайд этилишича, ЙТХларда 1168 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳатлари олган. ЙТХларнинг энг кўпи (170та) Тошкент шаҳрида содир бўлган. ЙТХға учраган энг кўп ҳайдовчилар ёши 23-27га тўғри келмоқда. Жами ЙТХларнинг 37,8 фоизига белгиланган тезликнинг меъеридан оширилгани сабаб бўлган. ЙТХға учраган ҳайдовчиларнинг 1453 нафари эркак ва 38 нафари аёллардир.

Маълумотларға кўра, Ўзбекистонда коронавирус пандемияси аниқлангандан бери COVID-19 дан 655 нафар ватандошимиз вафот этган.

Ана энди қиёслайлик: ҳар ойда 100дан зиёд юртдошларимиз қурбон бўлаётган ЙТХлардан нега тегишли хулосалар чиқармаёпмиз? Наҳотки, яқинларимиз, фарзанд ва набирапаримиз ҳаётиға шунчалар бефарқ бўлиб боряпмиз.

Истардикки, ойналарни бепул қорайтириш сингари масалаларни бош МАСАЛАға айлантираётган депутатларимиз ҳам юқоридаги рақамлардан келиб чиққан ҳолда соҳаға доир қонунчиликни такомиллаштирсалар мақсадға мувофиқ бўларди.



Фозгондаги қабристонлар ободми?



«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларға мўлжалланган Сайловолди дастуриға мувофиқ миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни сақлашға алоҳида эътибор қаратади.

Бу борада халқимизнинг тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини асраб-авайлаш чораларини кўради, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, уларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш ишларини амалға оширади.

Айниқса, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотиш муҳим аҳамиятға эға. Айни муборак Рамазон ойи шуқуҳи кезиб юрган фараҳбахш кунларда партия Навоий вилояти кенгаши томонидан ёшлар ўтганларнинг руҳини шод этиб, улар мангу кўним толган масканларни ободонлаштиришға кўнгилли тарзда жалб қилинди. Шу билан бирга, «Миллий тикла-

ниш» демократик партияси вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Илҳом Ражабов бошчилигидаги партия фаоллари ва депутатлар томонидан Нурота тумани ва Фозгон шаҳридаги қабристонлар ҳолати ўрганилди. Маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар томонидан бажарилган ишлар билан танишилди.

Маълум бўлганидек, Фозгон шаҳридаги қабристонларни ободонлаштириш учун маҳаллий бюджетдан 700 млн. сўм ажратилган. Бу маблағ ҳисобидан қабристонлар атрофи кўкаламзорлаштирилиб, девор билан ўралган. Қоровулхоналар таъмирланган, жанозахона, асбоб-ускуналарни сақлаш хоналари қайтадан қурилган, ичимлик суви келтирилган, шунингдек, 2 мингга яқин мевали ва манзарали дарахлар ўтқазилган.

Ишчи гуруҳ томонидан бошқа қабристонлар ҳам ўрганилиб, уларни ободонлаштириш чоралари кўрилмоқда.



Қудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос

ЎЗЛАШ

сарийўл



Ургутликлар Бахтиёр Мирзаевдан миннатдор

Янгиланаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими ва умуман, маданиятлар қоршииб кетаётган бугунги глобал дунёда мафкура қай даражада керак? Умуммиллий тараққиётимизда мафкуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафкура нима? Мамлакатимизда миллий мафкурани шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?..

Бу саволлар моҳият эътибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни «қутқаришда» муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кечаётган 30 йилга яқин вақт ичидаги мустақиллик даврида жамият «сийрати» ўзгариши анчайин қийин кечди. Бу, бир томондан, ўтиш давридаги маҳдудлик билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди.

Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозиликни эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутмоқда. Зотан, жамиятни ҳукумат истакхошига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш кўзланаётган мақсад – давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шубҳасизки, зикр этилган дискурста тил – миллий тил ҳал этувчи восита, масаланинг ўзаги вазифасини ўтайди. Миллатнинг тили эътиборда бўлмас экан, миллият, ўзлик, мафкура ҳақида гапириш ортиқчалик қилади, назаримда.

Ўтмишга, яқин 100 йилликка назар солсангиз, тилимизга бўлган эътибордан дилингиз хира тортиши тайин. Дунё аҳлига Навоий, Бобур каби даҳоларни берган она тилимиз узоқ йиллар сиёсий

қатагонни бошидан кечирди. Бу тилда на илм-фан қилинди, ва на у сиёсат тилига айланди. Маҳаллий тил жиддий мавзулардаги мунозараларга ярамайди, деган камситувчи қараш уни рўзғор тилига, маиший мавзулар тили даражасига тушириб қўйди.

Бу руҳий мустабиллик эди. Ва бу истило моҳият эътибори билан сиёсий-иктисодий қарамликдан, қулликдан кўра

ўлмас тилини кўрсатишга, эслатиб қўйишга бўлган мардона ҳаракат эканини англайдиган жамоатчилик бизда шаклланганми?

Одам бу борада тортинмай «ҳа» дейишга истиҳоло қилади, тўғриси. Шу ҳақда ўйлаганимда кўпчилик ҳолларда бобомиз Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бир ҳикмати ёдимга тушади: «Бамисоли тумов киши гулнинг

тари» масалалари бўйича мамлакатимизнинг чекка қишлоқ ва овулларидида юриб-туриб. Тўғриси, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган одамлар билан суҳбатларда уларнинг юз-кўзлари, гап-сўзларида ўз Юртбошисига нисбатан чексиз меҳр барқ эътибор турганини яққол кўрдик. Ҳа, оддий одамлар, қишлоқларда яшаётган соддадил ва мунис аёлларимиз ҳам Мирзиёевнинг миллат ғурурини кўтариш борасидаги бу ислохотларидан чексиз фахр ва ифтихор туймоқдалар. Навоийлик кекса муаллима Анаора опа бу ишлар халқнинг дилидаги ишлар, дея кўзларига ёш олганида қанчалар таъсирланганимизни қўяверинг...

Энди айтинг, узоқ йиллар давомидида шаклланган тайёр форматдан юз буриб, ўз ташқи сиёсатига янги омилларни – мулҳоқо миллий руҳни киритишга ҳаракат қилиш учун одам қай даражада миллатпарвар ва ватанпарвар бўлиши керак?!

Ушбу учрашувни кузатиб, давлат сиёсатида миллий идентитет – ўзликни таниш, тарихий ҳақиқатларга реал баҳо бериш масаласида ҳам қарашлар биз кўнмаган томонга бурилганини англаш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбари венгер халқи ҳақида гапира туриб, икки халқни яхлит тарихий томирлар туташтириб туришини эътироф этди. Ҳолбуки, биз узоқ йиллар келиб чиқиши Марказий осийлик бўлган бу халқдан ётсираб келдик. Улар ўтмиши ҳақидаги битикларни ёпиб қўйдик, ҳаттоки, уларни Европага юриш қилган варварлар дея аташдан тийилмадик.

Эки кун кеча бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммитини олайлик. Ушбу саммитда Ўзбекистон Президентининг Туркий кенгашининг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги тақлифни Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари маъқуллади. Ва ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги тақлиф ҳам қўллаб-қувватланди.

Саммитда Алишер Навоий нафақат туркий тил ривожига, балки бутун башариёт тамаддунига ҳисса қўшган улкан мерос қолдиргани айtilди. Чексиз мамнуният билан айтиш мумкинки, бу ҳам тилимизга, ҳам миллатимизга бўлган улкан хурматнинг эътирофидир.

Ана шу икки муҳим воқелик қадимий тилимизнинг расмий музокаралар тилига айланиб бораётганидан далолатдир. Шубҳасиз, бу барчамизга чексиз қувонч, ғурур-ифтихор бахш этмоқда.

Буюк ишлар, эврилишлар ҳар доим ҳам шовқин-сурон билан бўлмаслиги мумкин. Теран дарёлар сокин оқади, дейишади. Шу маънода, бугун бизга жуда жўн, одатийдек кўринаётган бу ҳаракатлар, аслида, жуда салмоқли ва тарихийдир.

Юқорида қайд этганларимиз – миллий мафкурани, бизда ҳали ҳамон тўла шаклланмаган мафкурани оёққа қўйишда ушбу омил – ўзликни англаш, миллий тил ва тарихини улуғлаш, уларнинг қадри-қимматини жойига қўйиш муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

” БМТ тарихида илк маротаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғлини ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир.



даҳшатлироқ ва фожиалироқ эди. Нимага десангиз, бу эҳтиёт, миллатнинг тафаккури билан боғлиқ масала эди.

Мен узоқ йиллар давлат идоралари тизимида ишлаганман. Мустақиллик йиллари ҳам бундан мустасно эмас. Ва тажрибаларимга таяниб шунга айтишим мумкинки, она тилимиз ҳеч маҳалда (ҳолбуки, давлат тили бўйича қонун қабул қилинганига ўттиз йил бўлаётган бўлса-да) маъмурий ва техник соҳаларда, сиёсатда, илм-фанда восита сифатида қўлланган эмас. Буни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди. Бугун ҳам жамиятимизда, айниқса, сиёсий доираларда бундан тўлиқ воз кечилди, деб айтолмайман.

Бироқ ҳайратланарли бир мужда борки, у қалбинга нур олиб қиради, гўё. Бу – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий масалаларда кўрсатаётган ибратли ҳаракатлари, муз каби қотиб қолган ақидаларни миллатимизга, ўзгилликка бўлган қалб кўри, меҳр-у муҳаббати билан аста-секин эритаётгани мисолида янада бўртиброк кўринади.

Ўзингиз ўйланг, нафақат давлатлараро муносабатларда, балки маъмурий жабҳаларда ҳам «хукмрон тил» таъсиридан чиқиб кетолмаган жамиятда фавқулодда миллий тилни ҳатто сиёсат тили даражасига кўтаришга ҳаракат қилишга қайси замонда ва ким журъат қилган?!

Ҳатто, ён қўшниларимиз билан ҳам юз йиллик «протокол»га содиқ қолган ҳолда рус тилида музокаралар ўтказиб келмадикми?! Ҳолбуки, улар билан тилимиз ҳам, динимиз ҳам, қадрият-у тарихимиз ҳам бир. Аслида, бу ҳолат иқтисодий ва сиёсий масалада мустақил бўлган ҳолда миллий жабҳада бировга қарам бўлиб, ўтмиш ва миллий ўзликдан тайсаллаб туриш мафкуравий жиҳатдан тўла мустақил бўлмаганимизни англаётди.

Шу маънода, мухтарам Президентимизнинг мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбаридан ўзбек тилида нутқ сўзлаши миллий масалада инқилобий қадам бўлди.

Аммо бу ишнинг нақадар чуқур маънога эга, қадр-қиммати юзлаб йиллар топталган, камситилган миллий ўзликнинг шон-у шавқатини жойига қўйиш, дунёда ўзбек деган буюк бир миллат ва унинг жаҳон тамаддуни бешикларини тебратган сонсиз алломаларга илҳом берган

ҳидини билмаганидек, аҳмоқ киши ҳам ҳикматнинг қадрини билмайди».

Таассуфки, кўпчилик ҳолларда шундайми. Бўлаётган ишлар, жараёнлар моҳиятини тўғри англамаймиз. Бироқ уни англайдиган, бу ҳаракатларнинг қадрини биладиган миллатдошларимиз йўқ эмас.

Жаҳон сахнасидаги ўша тарихий нутқдан кейин унда илҳомланган, руҳланган одамлар кўп бўлди. Улардан бири, афғонистонлик ўзбек генерали, афғон ўзбеклари етакчиси Абдурашид Дўстумдир. Мана, у бу жараёнга қандай муносабат билдирган эди: «...Ўзбекистон Президентини ушбу чиқишининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, БМТ тарихида илк маротаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғлини ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир. Ўзбек тилида кўплаб мамлакатларда яшовчи миллатдошларимизни, хусусан, Афғонистондаги ўзбекларни ҳам чин маънода ғурурлантирдик».

Бу – қалбда миллий ғурури ўлган, ўтмиши ва ўзлигидан фахрланадиган одамнинг самимий сўзлари, деб ўйлайман.

Мени шу сўзларни ёзишга ундаган яна бир воқеа бор. Хабарингиз бор, кечагина Венгрия давлати Бош вазир Виктор Урбан жаноблари юртимизга расмий ташриф билан келди. Музокаралар ҳар икки давлатнинг миллий тилида ташкил этилди. Эътибор қилинг, келишув ва барча дипломатик жараёнлар биз томондан ўзбек тилида олиб борилди. Ҳолбуки, Венгрия Қозоғистон, Қирғизистон ва ёки Туркменистон каби минтақадошимиз эмас, балки Европанинг ўртасида жойлашган, ЕИ аъзоси бўлган давлатдир. Ҳолбуки, дунё дипломатиясида БМТ тили, бироқ тушунарли тил деганга ўхшаш стереотиплар мавжуд...

Лекин Президент Мирзиёев сиёсий жараёнда ўз тилини қўллашни маъқул кўрди. Юзлаб йиллар давомида амалда бўлиб келган «дипломатик протокол»лар бузилди, дунёда бирорта тилдан кам бўлмаган она тилимиз мақоми кўтарилди. Унда бе-мақоми сиёсат – халқаро сиёсат юртиш мумкин экани исботланди.

Шу кунларда «Аёллар даф-

✓ Тарихий ҳақиқат

БИР ҲАЗАЛ ТАРИХИ

Куйидаги воқеа рус босқинчилигининг асл мақсади, босқинчиларнинг асл мудоасига изоҳ бўлиши мумкин. Аммо айрим тарихчилар ушбу воқеани босқинчиликнинг энг энгил ҳолати, дея баҳоламоқдалар.

Манбаларда қайд этилишича, Марказий Осиёни босиб олган россия империяси ҳарбийларидан бири Михаил Скоблев кунлардан бир кун Фарғонанинг олим уламоларини йиғиб, рус маданиятини намойиш қилиб қўймоқчи бўлибди. У катта залга фарғоналикларни йиғиб, балет қўйиб беради.

Уламолар балет бошланганидан то тугагунча бошларини кўтармадилар. Улар орасида Ҳазиний ҳазратлари ҳам бўлган эканлар. Балет тугаганидан кейин генералнинг хотини мусулмонлар эътиқодига тан бериб, ҳайратини эрига айтибди. Шунда Скоблев уларни жазолаш ўрнига тонг отгунча Фарғонани тарк қилсинлар, деб буйруқ берган экан...



ФАРҒОНА ТОНГ ОТҚУНЧА

Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча, Уртаб юрагим, чашим гирёна тонг отқунча. Мен – Вомиқу сен – Узро, васлингга етолмасдан, Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча. Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хумморим, Ҳажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча. Эй шўхи жафопеша, бераҳм ситамгарсан, Мендин хабар олмайсан пинҳона тонг отқунча. Ҳеч кимга деёлмасдин бу сирри пинҳонимни, Бағрим хунига тўлди паймона тонг отқунча. Хилватда агар кўрсам, арзимни баён айлай, Сен бирлан агар бўлсам ҳамхона тонг отқунча. Оқшомда жамолингни шамъини мунаввар қил, Жонимни этай санга парвона тонг отқунча. Найлапки, иложим йўқ, ҳар гўшада йиғларман, Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.

Ҳа, чиндан ҳам биз шунчаки кўшиқ деб эшитадиган бу асарда мустамакчилар туйфайли ўз ватани, ўз она шахрига сиғмаган зиёлиларимизни дарду алами акс этган бу асарда.

Rashidxon Akramning ФБ саҳифасидан олинди.

Низом ХОЛИҚОВ, партия Ургут тумани кенгаши ижрочи котиби



Миллий либослар учун Сурхонга келинг!

Партия Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан «Сурхоним либослари» миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. Жарқўргон тумани истироҳат боғида ўткан ушбу тадбирда воҳанинг ўзига хос миллий либослари билан бирга, урф-одатлари, анъана ва қадриятларини тараннум этувчи тарихий буюмлар, хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Тадбир қатнашчиларига эса Қумқўргон туманидан Содик бахши Мардонақулов, «Боботоғ гуллари», Шеробод туманидан «Чечалар», Шўрчи туманидан «Булбулигўё» фольклор этнографик рақс ансамбиларининг чиқишлари манзур бўлди, албатта.

Партия Сурхондарё вилояти кенгаши Аҳборот хизмати

Минҳожиддин МИРЗО:

«ҲЕЧ ҚАЧОН СССРНИНГ ҚОНЛИ БАЙРОҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЎТАРИЛМАЙДИ»



Афсуски, бугун бот-бот автомашиналарига георгий ленталарини тақиб олган, кийимига СССР гербини, умуман мустабид тузумнинг рамзларини тарғиб қилишга уринаётган кимсалар пайдо бўлиб қолмоқда. Албатта, ҳеч бир нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг ҳайбаракаллачилари бўлади.

Муқаддас Ватанимиз мустақилликка эришганига бу йил ўттиз йил тўлади. Давлат байроғи ҳар қандай мамлакат суверенитетининг рамзи ҳисобланади. Ўттиз йилки, дунё харитасида Ўзбекистон деган давлат ўзини мағрур намоён этиб турибди. БМТ қаршида бутун дунё мамлакатлари байроғи билан бир қаторда Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди.

Ўтган ўттиз йил ичида не-не таҳдидлар, хуруж ва фитналарнинг гувоҳи бўлдик. Мустақиллик, юсак тараққиёт йўлида илдамлаб бораётган карвонимиз ортидан хурган «кўппак»лар, йўлини тўсмоққа уринган «қашқир»лар кўп бўлди. Минг шукурларки, асосий мақсад йўлида карвонимиз собит бораётир. Мамлакатимиздаги янгиланиш нафаси, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислохотлар мустақиллик миллий тараққиётимиз учун қанчалар улуг неъмат ва тенгсиз имконият эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Аммо шу кунларда пойтахтимизнинг

мухташам «Халқлар дўстлиги» саройи олдидаги майдондаги тадбирда истибод рамзи бўлган – собиқ СССР қонли байроғининг кўтарилиши, миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимизга нисбатан бепасандлик ва кечириб бўлмайдиган, ҳеч қандай ваз билан оқлаб бўлмайдиган ҳақоратдир.

Бу воқеа ниманинг белгиси? Демак, ора-мизда Туркистонни, унинг мухториятини қонга ботирган, 100 мингдан ортиқ зиёлилар, миллат гулларини қатагон қилган, дину диёнатимиз, азиз авлиёларимиз қабрларини оёқости қилган, ер ости ва ер усти бойликларимизни талаган, «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб миллатни таққирлаб, юзини қора қилишга уринган, бизни ўзлигимиз, тилимиздан айришни мақсад қилган СССР деган давлатни соғинаётганлар, унинг байроғини қалбининг тўрида асраб юрганлар, пана-пасткам жойларда тўпланиб мамлакатимиздаги ҳамжиҳатликка раҳна солиш мақсадида юрганлар бор экан-да! Бу воқеа шунинг исботи! Бу асл ватанпарварларни огоҳликка ундаши, хушёр ва огоҳ қилиши керак!

Келинг, азиз ватандош. Бир ўйлаб кўрайлик, бугун Ҳиндистон давлатининг пойтахти марказида Буюк Британия мустамлакачилигини шарафлаб, унинг байроғини кўтаришларини ҳинд халқи бегътибор қолдирадими?

ЮНЕСКОнинг «Бағрикенглик деклара-

цияси»да «Бағрикенглик бу – турли туманликдаги бирликдир» дейилади. Мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элатлар Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, тинч-аҳил яшаб келяпти. Улар учун энг муқаддас рамз – бу Ўзбекистон байроғи!

Мустабид тузумни кўмсаётганлар, уларга шу байроқни кўтаришни ўргатаётганлар бу байроқни ўз юртига бориб кўтараверсин. Фақат Ўзбекистонда эмас!

Негаки, биз энди ҳеч қачон СССРнинг қонли байроғи Ўзбекистонда кўтарилишини хоҳламаймиз. Бунга йўл ҳам кўймаймиз!

Ўзбек халқи 130 йил қарамликка, таққирлаш ва камситишларга, зулму истибод тазийқларига чидаб келди. Ер қурра-сида ягона бўлган муқаддас Ватанимизда фақат битта байроқ юсакка кўтарилади. Бу Ўзбекистон давлат байроғи!

Ҳар қандай мамлакатда унинг суверенитетига дахл қиладиган, бузғунчи мафкура асосида жамият бирлиги ва мамлакат хавфсизлигига раҳна соладиган ташкилотнинг фаолият юритиши қонун билан тақиқланади. Шу жиҳатдан бу ҳолатга ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий баҳо берилиши лозим. Биз Ватанимиз билан фахрланамиз. Тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам шу замин билан боғланган.

Фақат Ўзбекистондагина фарзандларимиз эмин-эркин, бахтли-саодатли яшашига ишонамиз!

Мансабдорлар хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилиши керак!

Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партиясининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳам сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ечиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг биринчи чорагида улар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларига 92 та масала киритилди. Бу 2020 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 26 тага кўп. Доимий комиссияларга олиб чиқилган тақлифлар сони эса 226 тани ташкил этди. 361 нафар мансабдор шахснинг ахборот ва ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, депутатлар ташаббуси асосида «Темир дафтар»га 632 нафар, «Аёллар дафтари»га 1154 нафар ва «Ёшлар дафтари»га 1314 нафар фуқаро киритилди.

Ҳисобот даврида тегишли ташкилот ва мутасаддиларга 2063 та депутатлик сўрови жўнатилган бўлиб, уларнинг 341 таси қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси, 1722 таси фуқаролар мурожаатлари асосида юборилди.

Депутатлик сўровининг 1407 таси ижобий ҳал қилинди. 559 таси бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Депутатларнинг 37 та сўровига мутасадди ташкилот раҳбарлари белгиланган муддатдан кечикиб жавоб берган бўлса, афсуски 22 та депутатлик сўровига умуман жавоб қайтарилмади. Бу кўрсаткич Қашқадарёда 9 та, Сурхондарёда 7 та, Жиззахда 4 та ва Тошкент вилоятида 2 тани ташкил этди.

Албатта, депутатлик сўровларига жавоб бермаслик аҳоли муаммоларига нисбатан бепасандлик қилиш деганидир. Шу маънода, бу масалада суствашликка йўл қўйган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши ва қонун доирасида тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Абу Муслим УСМАНОВ,
партия Марказий кенгаши бош мутахассиси

✓ Партия дастури амалда

«Шаҳидлар хотираси» кўнгилочар маскан эмас



Муборак АХМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
«Миллий тикла-ниш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Қурилиш вазирлигининг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳаси ижтимоий тармоқларда кескин норозиликларни келтириб чиқараётгани бежизга эмас.

Чунки ана шу лойиҳада мажмуа ҳудудида велойўлақлар, велопрокат, амфитеатр, дўконлар, кафе, автотураргоҳ қурилиши белгиланган бўлиб, бу хотира мажмуасини оддий хиебонга айлантириб қўймайдими? Ваҳоланки, бу ерга келганлар аввало шаҳид боболаримизнинг руҳига Қуръон тиловат қилиб, хотирасини ёдга оладилар. Бир оз тин олиб, ўша машъум тарихни бугунги осойишта кунларимизга қиёслайди. Яъни, маданий эмас, инсон маънан, руҳан озуқа оладиган, тарихни ўрганадиган маскандир.

Шубҳа йўқки, ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади. Тарихий масканлар, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, сақлаш, асраш, миллий-маънавий тиклаш, бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, уларни камол толиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва аъёналарга чуқур хурмат, эҳтиром уйғотиш Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партиясининг устувор вазифалари ҳисобланади. Шу маънода, партиямиз фаоллари «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳудудида дўкон, кафе, кўнгилочар марказлар қурилиши ҳақидаги лойиҳа қадриятларимизни топташга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам бундай қарор жамоатчилик розилигисиз амалга оширилмаслиги керак.

Миллий маданиятимиз ва тарихимизни тарғиб қилувчи бу масканинг реконструкцияси билан боғлиқ ҳар бир жараён партиямиз депутатлари ва фаолларининг эътиборидан четда қолмайди. Тегишли вазирлик ва идоралар жамоатчилик, зиёлилар билан масалани жиддий муҳокама қилиб, тўғри қарор қабул қилишига умид қиламиз.

560 минг битирувчининг бандлиги қандай таъминланади?

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги йиғилишида 1 миллион 600 минг фуқаронинг ишсиз экани маълум қилинди. Уларнинг 805 мингдан ортиғи эса 16-30 ёшдагилар. Шунингдек, йиғилишда 2021 йили меҳнат бозорига яна 560 минг битирувчи кириб келиши, натижада ёшлар бандлигини таъминлаш эҳтиёжи 1 миллион 365 мингдан ортиқни ташкил қилиши таъкидланди.

Шу ўринда мазкур муаммони ҳал этишга жуда катта маблағ ажратилаётганига қарамай кўплаб ҳудудларда ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касбга, хунарга ўргатиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганини айтиш жоиз. Айрим мутасаддилар эса ҳатто бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланмоқдалар.

Яқинда эса бандлик муаммосига ечим сифатида «2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳам қабул қилинди. Унда аҳоли даромадларини оширишга

ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этишга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, жорий йилда 457 127 та доимий янги иш ўрни ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичларини бажариш учун тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар берилди.

Партиямизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурисида ҳам хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунардандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қарор ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига энди кириб келаётган битирувчиларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Халқ вакиллари – биз депутатларнинг вазифаси эса жойларда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиб, жойларда унинг ижросини назорат қилишдир.



Шерзод РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
«Миллий тикла-ниш» демократик партияси фракцияси аъзоси

«Депутат аёллар клуби» ўз фаолиятини оқладими?



Хабарингиз бор, ўтган йили партия тизимида яна бир янги бўғин фаолияти йўлга қўйилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг муаммо ва қизиқишлари билан яқиндан ишлайдиган «Депутат аёллар клуби».

«Депутат аёллар клуби» фаолиятига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бугун бир қатор амалий ишлар қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг аёллар билан ишлаш даражаси янги босқичга кўтарилди.

Биргина партия Бухоро вилоят кенгаши қошидаги «Депутат аёллар клуби» жорий йил биринчи чораги давомида «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида 732 та хонадон шароитини ўрганди. 303 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди. 255

та мурожаат тегишли тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

«Хизмат-беминнат» лойиҳаси доирасида 13 та бепул ўқув курслари ҳамда 14 та касб-хунарга тўғарақлари ташкил этилди ва 49 нафар хотин-қизга таълим берилди ва касбга ўргатилди. 113 нафар аёл бандлиги таъминланиб, 134 нафар хотин-қизга ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди.

Айни пайтда «Депутат аёллар клуби» хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аёлларга нисбатан зўравонликларнинг олдини олиш, «маҳаллабай» ва «фуқаробай» тизимдаги фаолиятини янада жонлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Партия Бухоро вилояти кенгаши Ахборот хизмати



ЖАНОБ ЛИБЕРАЛЛАР, СУКУТ АЛОМАТИ РИЗОМИ?

Пойтахтда айрим ташқи реклама объектлари (конструкциялари)нинг бузилгани тадбиркорларнинг асосли норозиликларига сабаб бўлди. Ишбилармон юрдошларимизнинг ўз мулкларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигидан тортиб, Вазирлар Маҳкамасигача ва ҳатто Президент Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилигача мурожаат қилишгани айтилмоқда.

Ана шу воқеалар асосида ўз мулкларига таъовуз қилинаётган тадбиркорлар 2003 йили мулкдорлар қатламини ҳимоя қиламиз, дея сиёсий майдонга кириб келган O'zLiDePнинг «сукут аломати ризо» қабилда иш тутаётганини бироз ғалати ҳолат, дея изоҳлай бошладилар.

Ушбу партиядан Олий Мажлис қонунчилик палатасига сайланган депутат Расул Кушербаев эса «Тўғриси, бу борада энг яхши ва тўғри ечим ҳайдовчи ва йўловчилар фикри билан қизиқиш: улар йўл бўйлари, чорраҳалардаги реклама воситалари ҳаракатланишга ҳалақит беришини айтишмоқда. Айниқса, LED экранли конструкциялар кечаси йўлни кўришга салбий таъсир кўрсатади. Афсуски шундай рекламалар сабаб кўплаб ИТХ содир бўлиб, инсонлар вафот этмоқда экан» (манба: @deputat_kusherbayev) дея фикр билдирди.

Соҳага ихтисослашган тадбиркорларнинг ўзлари ҳам ноқонуний билбордларнинг бузилишига қарши эмасликларини таъкидлашмоқда. Буни тадбиркорлар Рафиқ Эргашев, Аҳмаджон Содиқов ва Игорь Кучмарлар ҳам ўз интервьюларидея айтиб ўтишди.

Яна жаноб Кушербаевнинг фикрларига қайтсак: «LED экранли конструкциялар кечаси йўлни кўришга салбий таъсир кўрсатади...». «Замонавий хориж шаҳарларидаги йўлларда бундай воситалар деярли йўқ».

Аммо шу ўринда ҳокимлик вакиллари ва бошқа мутасаддиларнинг тадбиркорларга маълум қилишича, ташқи реклама объектлари Расул Кушербаев айтганидек, кечалари йўлларни кўришга ҳалақит бергани учун эмас, балки Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги 104-сонли қарорига мувофиқ, юқори технологияли қурилмаларга LED экранларга алмаштирилмагани учун бузилмоқда экан.

Мазкур қарорда 2020 йил 31 декабрга қадар биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида, 2021 йил 31 декабр-гача эса иккинчи даражали

марказий қатнов кўчаларидаги ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартириш белгиланган.

Биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида фақат видео экранли, иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида эса ара-лаш турдаги юқори технологияли ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ўрнатилиши назарда тутилган. Бундан биринчи ва иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун реклама жойларининг паспорти мос равишда мазкур банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган муддатларгача рухсат берилади ҳамда ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўловлар миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, улардан 2-иловада кўрсатиб ўтилган бир мартали йўғим ундирилмайди.

Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори технологияли қурилмаларга ўзгартириш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда, бундай қурилмалар уларнинг эгалари томонидан ўз кучи билан олиб ташланади (демонтаж қилинади) ва ер майдони тартибга келтирилади, акс холда қурилмалар суд тартибида тегишли ҳокимлик томонидан демонтаж қилинади ва барча харажатлар реклама объектлари (конструкциялари) эгаларидан ундириб олиниши белгиланган. Хуллас, пойтахтдан рекламачи-тадбиркорларнинг арзу додига қарши етарлича важлар келтирилди.

Депутат Р.Кушербаевнинг юқоридея фикрлари айрим блогерлар эътиборини ҳам тортган кўринади. Хусусан, блогер Муҳрим Агзамхўжаев депутат фикрига муносабат билдирар экан: «Халқ сизни «Шум бола»даги чой-хоначи чоллар каби «эмиш, эмиш» деб арзон фалсафа тўқишингиз учун эмас, аниқ ҳолат, тасдиқланган фактларга таяниб, асосли таклиф-

ларни илгари суришингиз, тайинли ташаббуслар билан чиқишингиз учун сайлаган», деб ёзибди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Дониёр Ғаниев эса «Munosabat O'zLiDeP»га берган интервьюсида партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, рекламачи-тадбиркорларни

пайтда уларнинг чиндан ҳам ҳуқуқий ёрдамга муҳтож эканликлари яққол кўриниб қолди. Маълум бўлишича, тадбиркорлар қўлида 2018 йил 1 декабрда фаолияти тўхтатилган «Тошкент реклама сервис» ДУК ёки 2020 йил 1 апрелгача пойтахтдаги ташқи рекламалар билан шугулланган Тош-

сабаблари эртами-индинми очикланиб қолар ҳам. Аммо вазиятга қараб кимнидир ҳимоя қилиш, бошқа бировга эса кўз юмиш ҳеч қандай сиёсий қучга «очко» келтирмаган.

Яна бир гап. Айни пайтда ижтимоий тармоқларда O'zLiDeP вакилларининг ҳали у, ҳали бу тадбиркорлик субъектлари муаммоси билан боғлиқ судларда иштирок этаётганлари ҳақидаги хабарлар кўп тарқалмоқда. Бу яхши, албатта. Демак, партия ишлапти, демак, партия вакиллари кимнидир ҳимоя қилмоқдалар. Аммо бутун бошли сиёсий кучнинг бир ёки бир неча тадбиркорнинг танлаб олинган муаммолари билан шугулланиши қанчалик тўғри?

Масалага бундай ёндашув партияга эмас, адвокатларга хос эмасми?

Тадбиркорларнинг фикрича, ҳукумат партиясига алоҳида танлаб олинган шикоятлар билан ишлагандан кўра, барча тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг муаммоларига қонуний ечимлар топиш билан шугулланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Назаримизда, Ахтам Хаитов, Расул Кушербаев ва Дониёр Ғаниев сингари кучли депутатлари бўлган ҳукумат партиясидан партия электорати айнан ана шундай хатти-ҳаракатларни кутмоқда.

Чунки пойтахтлик рекламачи-тадбиркорлар бошига тушган ташвиш эртага бошқа тадбиркорлар ёзуғига айланмаслигига ҳам ҳеч ким қафолат бермайди. Тан олайлик: аксарият ҳолларда ўз мулкидан айрилиб қолган юзлаб тадбиркорларнинг Олий суддан нажот кутаётганларини ҳамма қатори сиёсий партиялар вакиллари ҳам кузатишдан нарига ўтолмайди. Банк тизимида йўл қўйлаётган хатолар, инвестициялар учун қўлай муҳит яратиш масаларидаги муаммоларга ҳам рекламачи-тадбиркорларга қарагандек узоқроқдан қаралапти...

Аммо бугунги сайловчи бундан беш йил аввалги сайловчи эмаслигини сира унутмаслик керак.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

” Тан олайлик: рекламачи-тадбиркорлар билан боғлиқ баҳс-мунозаралар авж олган бир пайтда уларнинг чиндан ҳам ҳуқуқий ёрдамга муҳтож эканликлари яққол кўриниб қолди.

ҳимоя қилиш, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш кераклигини айтган. Депутат шунингдек, масаланинг «ичига» кирмаганлигини билдириб, муаммони яхшилаб ўрганиш кераклигини маълум қилган.

Тўғри, баъзан сиёсий партияларнинг ички сиёсатида ҳам турлича фикрлар, бир масалага турли нуқталардан қаралгани боис бир-бирига зид ёндашишлар бўлиши мумкин. Аммо бундан партияга ишонч билдирган, сайловлар арафасида эса партиянинг тиргагига айланмаган электоратга зиён етмаслиги керак.

Зеро, сайловчи гўёки харидордек гап. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини ҳақ деб билади. Чунки сайловлар даврида Олий Мажлис депутатидан тортиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодларгача у ишонч билдирди. Ана шу ишонч жилғалари эса Тошкентгача куйилиб келиб, катта бир ўзанга — парламентдаги сероқим фракциянинг пайдо бўлишига йўл очди.

Кунларнинг бирида сенга ишонч, куч ва бюджет маблағлари сақладиган «омбор»га калит берган сайловчининг бошига бир ташвиш тувсаю, сен ундан юз ўгирсанг. Тан олайлик: рекламачи-тадбиркорлар билан боғлиқ баҳс-мунозаралар авж олган бир

кент шаҳар «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан берилган ташқи реклама объектларининг рухсатнома ласпортлари турибди. Шу ўринда мазкур масалага масъул туман, шаҳар ҳокимликлари масъул ҳисобланишини ҳам айтмаслик мумкин эмас.

Аммо шу кунгача Тошкент шаҳридаги туман ҳокимликлари билан реклама объектлари эгалари бўлган тадбиркорлар ўртасида шартнома тузилмаганлиги ҳам ташқи реклама билан шугулланувчи тадбиркорларнинг муаммолари етарлича эканидан далолат берапти. Яъни, улар учун ҳар бир кун ҳам моддий, ҳам маънавий зарарга ишламоқда.

— O'zLiDeP раҳбари кейинги пайтларда жойларга чиқиб, аграр соҳа вакиллари билан жуда кўп учрашувлар ўтказяпти, уларнинг муаммоларини ҳал этмоқда, — дейди пойтахтлик тадбиркорлардан бири. — Аммо рекламачи-тадбиркорлар муаммосига келганда ҳатто Расул Кушербаев, Дониёр Ғаниевдек фаол депутатлар ҳам ўзларини четга олдилар...

Ҳа, чиндан ҳам рекламачи-тадбиркорлар масаласида кўпчилик қатори тадбиркорлар партиясига вакиллари ҳам кузатувчилик позицияни маъқул кўрдилар чоғи. Бунинг

✓ 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ўзбек тилшунослигининг Самарқанд мактаби асосчиси



Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси ҳисобланадиган Самарқанд давлат университети олти асрлик фаолияти давомида чин маънода илму маърифат бешиги вази фасини ўтаб келмоқда. Бу қўтлуғ даргоҳда шаклланган илмий мактаблар, улардан етишиб чиққан фан-таълим даргалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари, маданият ва таълим жонкуярлари бор.

Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси ҳисобланадиган Самарқанд давлат университети олти асрлик фаолияти давомида чин маънода илму маърифат бешиги вази фасини ўтаб келмоқда. Бу қўтлуғ даргоҳда шаклланган илмий мактаблар, улардан етишиб чиққан фан-таълим даргалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари, маданият ва таълим жонкуярлари бор.

Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси ҳисобланадиган Самарқанд давлат университети олти асрлик фаолияти давомида чин маънода илму маърифат бешиги вази фасини ўтаб келмоқда. Бу қўтлуғ даргоҳда шаклланган илмий мактаблар, улардан етишиб чиққан фан-таълим даргалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари, маданият ва таълим жонкуярлари бор.

Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси ҳисобланадиган Самарқанд давлат университети олти асрлик фаолияти давомида чин маънода илму маърифат бешиги вази фасини ўтаб келмоқда. Бу қўтлуғ даргоҳда шаклланган илмий мактаблар, улардан етишиб чиққан фан-таълим даргалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари, маданият ва таълим жонкуярлари бор.

Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси ҳисобланадиган Самарқанд давлат университети олти асрлик фаолияти давомида чин маънода илму маърифат бешиги вази фасини ўтаб келмоқда. Бу қўтлуғ даргоҳда шаклланган илмий мактаблар, улардан етишиб чиққан фан-таълим даргалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар орасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари, маданият ва таълим жонкуярлари бор.

Азамат ПАРДАЕВ,
Самарқанд давлат университети филология факультети декани,
профессор



Насимий ўлимига нима сабаб бўлган?

...Милодий 1417 йил. Суриянинг Халаб шаҳридаги қатл майдони одамларга тўлган. Бу ерда буюк мутасавиф, оташнафас шоир Саййид Имомиддин Али Насимий Миср султони Муайяд томонидан қатл этилиши лозим. Барча ҳаяжонда, аламда. Бирок, шоирни ўлимдан асраб қолиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ниҳоят қўлига қишан урилган Насимийни қатл дастгоҳи олдида келтиришди. Хукм ўқилди. Оломон даҳшатда. Инсон терисини тириклай шилиб олиш... Бу қандай ваҳшийлик, қандай разолат? Шоирнинг эса ҳеч қандай талвасага тушмагани кўриниб турарди. У юзюда кинояли табассум билан рўпарасида турган дин пешволариға улугвор назар соларди. – Халойиқ, – бақиради шу пайт оломон ичидан Насимийнинг ўлимиға фатво берган шайхулислимо, – Бу бир кофир, динидан юз ўгирган муртад! Унинг қони қаерға бориб сачраса, ўша жойни кесиб ташлаш жоиз бўлади. Вужудингизға унинг қони тегишидан эҳтиёт бўлинг! Ниҳоят маҳкумнинг қўлоғини махсус устунаға боғлаб унинг вужудиға тиг соладилар. Аксарият аҳоли уввос солиб йилгайди. Бирок, шоир бу азобларға матонат билан бардош беради. Шу чоғ Яратнинг қудрати билан унинг бир томчи қони бояғи «ҳазрат»нинг бармоғиға сачрайди. У ҳеч ким кўрмасин, дея қони этағиға артмоқчи бўлганида уни кўриб турганлар унга бояғи фатвоини эслатишади. – Мусулмонлар, – дея жон талвасасида ўз аҳдидан тона бошлайди руҳоний. – Мен бу гуноҳкорнинг гуноҳидан беҳад ғазабланганим учун шундай дегандим. Аслида на Қуръони каримда ва на Ҳадиси шарифда бундай ҳукм бор. Мен жаҳл устида айтдим. Қутилмаганда қип-қизил қонға бутган шоир қаҳ-қаҳ уриб қулганча бадиҳа тарзида ушбу байтни ўқийди. Зоҳидинг бир бармоғин кессанг, тоғниб Ҳақбин қочар, Кўр бу мискин ошиғи, сарпо сўярлар йилламас. Хўш, Насимий ким эди ўзи? Уни нима учун ваҳшийларча қатл этдилар? Саййид Имомиддин Али Насимий милодий 1369 йилда Озарбайжоннинг Шамаҳи шаҳрида дунёга келади. Ёшлиғидан илм-маърифат ва адабиётға меҳр кўяди. Туркий, форсий ва араб шоирларининг асарларини қизиқиш билан ўқийди. Шамаҳи ва Бокудаги мадрасаларда таҳсил олади. Тарихий манбаларда айтилишича, унинг отаси ва акаси ҳам шеърлар ёзган. У саййидлар авлодидан эди. Унга Али деб исм қўйишган, диний илмларни пухта ўргангани учун кейинчалик Имом-ад-дин, яъни диннинг тиргағи, таянчи деган унвонға ҳам сазовор бўлган. У дастлабки шеърлариға «Саййид», «Хусайн», тахаллусларини қўяди. Кейинчалик, ўз замонасининг таниқли шоири Фазлуллоҳ Наимийдан шеърят ва тариқат сирларини ўрганади, ўзи ҳам унга ҳамоҳанг тарзда шеърлар ёзиб, уларға Насимий тахаллусини қўллаб бошлайди. Наимий шоир бўлиш билан бирға ўз

даврида катта шуҳрат топанг хуруфийлик тариқатининг асосчиси ҳам эди. Ушбу тариқатға кўра, бутун дунё моҳиятини ҳарфлар ташкил этади. Ҳарфлар бўлмаганида дунё ҳам, охират ҳам, еру осмон ҳам, ҳатто ҳаёт ҳам бўлмасди. Шу боис, ҳарфлар илоҳийдир. Уларда Оллоҳнинг жамоли тажаллий этади. Тасаввуфий ғоялар асосида шаклланган бу оқим кейинчалик Кавказ, Кичик Осиё ва Хуросонда ҳам тарқалади. Аммо жамиятнинг диний қатлами ва ҳукмон доиралар ушбу оқимға қарши чиқадилар. Унинг тарафдорлари қатъий таъқиб остиға олинади ва мутаассибларча ўлдирилади. Наимий эса, 1398 йилда Мирношоҳ Мирзо томонидан қатл этилади. Насимий устозининг йўлини давом эттириш мақсадида ўз ватанини ташлаб, Хуросон, Эрон, Ироқ, Рум ва Шом ўлкаларига кетади. У ерларда минглаб шоғирдлар ортирди. Бирок қаерда бўлмасин, дин аъёнлари унга қарши фитналар уюштирар, уни аёвсиз таъқиб этар эдилар. Шоғирдлари, издошлари эса, Насимийни бениҳоя севар, уни ҳурмат қилардилар. Ҳатто бир неча бор, устозлари ҳаётини асраб қолиш учун унинг ўрниға ўзларини жаллод тигиға тутиб ҳам берганлар. Насимий ўта закийлиги, ҳозиржавоблиги боис, ҳаммиша рақибларини мот қилар, ҳақ эканлигини ҳар ерда исботлай оларди. Уни йўқ қилишни хоҳласалар-да, бунинг учун етарлича асос топа олишмасди. Тарихий манбаларда унинг қўлга олиниши қуйидагича ҳикоя қилинади. Насимий Ҳалабада Жума намозини ўқиш учун масжидға кирганида унинг ковуши ичига «Ёсин» сураси битилган бир варақ қоғозни солиб қўйишади ва султонға «шоирнинг Қуръонни оёқости қилиб юргани» ҳақида хабар етказишади. Султон шоирни қаерда бўлмасин оёғини ерга текизмай олиб келишни амр қилади. Кўп ўтмай Насимийни султон ҳузурига олиб киришади. – Мавлоно, ковуши ичига «Ёсин»ни солиб юрган кимсаға қай жазони маъқул кўрардингиз, – деб сўрайди Муайяд шоирдан. – Бундай малъуннинг терисини шилмоқ лозим, валинеъмат, – дейди Насимий ҳеч нарсани тушунмай. Шу заҳоти султоннинг амри билан шоирнинг ковушини ечиб кўрадилар. Оят битилган қоғозни кўриб, Насимий қанчалик усталик билан қўлга туширилганини англайди. Бирок, султоннинг оёғиға йиқилиб, тавба-тазарру қилиш, бу фитнани текшириб кўришни илтимос қилиш ўрниға бошини тик тутиб тақдирға тан беради. – Хукмдорим, бояғи гапим гап. Жаллодларға айтинг, менинг теримни шилиб олсинлар. Насимийнинг қатл этилиши билан боғлиқ бошқа ривоят ва афсоналар ҳам бор. Улардан бирида айтилишича, Насимий терисини шилаётганларида ҳам, Мансур Халлож каби «Анал-ҳақ – мен Ҳақман, мен унинг бир заррасиман», дея хитоб қилади. Шунда уни томоша қилаётган рақиблари: – Эй нодон, ўзинг-ку, қонингға беланиб ётибсан. Яна қанақасиға худолик даъво қиласан? – дея истехзо

қилардилар. – Ҳазрат Алишер Навоий ҳам Насимийнинг ижодиға катта ҳурмат билан қараганини таъкидлаш жоиз. «...Саййид Насимийнинг назими ўзга ранг тутубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур», дейди «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида. Бу билан ҳазрат Навоий Саййид Насимий ижоди бошқа шоирлар назмидан тамомила фарқ қилади, унинг шеърятини кўпроқ мажозий маъноға эға, у ўз ижодида ишқи ҳақиқийни – Оллоҳға бўлган буюк муҳаббатни тараннум этган, деганлар. Мазкур асарда улуг шоир Насимий туркий адабиётда Мавлоно Лутфий билан баробар мавқеға эға эканини ҳам таъкидлаб ўтган. «Насойим ул муҳаббат» таъкирасида эса Насимийнинг қатл этилиш жараёни шундай тасвирланади: «Ҳамон тақлид аҳли ани қусур тухмағиға муттаҳам қилиб қатл қилдилар. Машхур муноғдорким, то терисин сўяр ҳукм бўлбдур, ул ҳолатда бу шеърни дебдурди, назм: Қибладур ўзинг, нигоро, қошларинг мехроблар, Сувратинг муҳсаф, вале холу хатинг зъроблар. Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол Қўй, терингни сўйса, сўйсун бу палид қассоблар». Манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг жаҳади халққа ибрат бўлсин учун етти кун дорда осилиб турган. Нур, маърифат ғанимлари уни жисмонан маҳв этган бўлсалар-да, унинг руҳоният мулкиға дахлдор асарларини, шеър ғазалларини халқ тилидан, дилидан сугуриб ололмадилар. Тириклик чоғидаёқ Насимийнинг қўллаб шеърларига куй басталаниб, қўшиқларға айланган эди. Шоғирдлари шоирнинг жасадини шу шаҳардаги қабристонда иззат-икром билан дафн этадилар. Унинг қабри устида мақбара тиклайдилар. Ҳалаб шаҳридаги ушбу зиёратгоҳ ҳозирғача сақланиб келинмоқда. Унинг мақбарасини зиёрат қилиб кетганлар ҳам фахрий «Насимий» унвониға эға бўладилар. Насимийдан бизгача бой адабий мерос етиб келган. Унинг туркий ва форсий тилдаги девонлари қайта-қайта нашр этилган. Насимий ижоди нафақат озарбайжон, балки, ўзбек адабиётининг ҳам қимматли хазинасидан ўрин олган. Қадимда боболаримиз унинг шеърларини таржимасиз тушунганлар. Унинг ижоди Машраб, Нодира, Амирий каби мумтоз шоирларимиз ижодиға сезиларли таъсир кўрсатган. Машраб шеърларидан бирида доир шоир фожиасини ачиниш билан ёдға олади: Куфр айтди деб Насимийнинг терисин сўйдилар, Гушту пўстин сўйлатиб оламға гўё қилди ишқ, Саййид Имомиддин Али Насимийнинг ғазаллари ўзбек назм илҳосмандлари қалб мулкиға айланган. Зеро, бу улуг мутафаккир ижоди бутун башариятға ва абадиятға дахлдордир.

Рустам ЖАББОРОВ

Хотира бор экан – миллат барҳаёт!

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармони билан Иккинчи жаҳон урушида фашизмға қарши курашишға ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги барча фахрийларға ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ва унга тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.



Шунингдек, фашизм устидан қозонилган ғалабанин 76 йиллиги нишонланиши муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 12 000 000 (ун икки миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти бериладиган бўлди.

Қарорда бу йилги тантаналарни «Хотира бор экан – миллат барҳаёт!», «Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч!» шиорлари остида кенг нишонлаш белгиланди. Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва

Биз учун "Миллий тикланиш" – миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, кўп асрлик тарихимизни чуқур ўрганиш, тиклаш, қадрлаш ва тарғиб этиш, ҳар бир ватандошимиз онғида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда жамиятнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатидир.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВДИ ДАСТУРИДАН

халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларини ҳимоя қилиш, кадр-қиммат, ор-номусини сақлаш, босқинчиларға қарши мардонавор курашиш, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилганларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бағрикенг ва олижаноб халқимизға хос ўлмас қадрият ҳисобланади.

маънавий ёрдам кўрсатиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бириға тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларға эға ходимларни бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини йўлга қўйиш, уларни республика ҳудудидаги санаторийларға бепул юборилишини таъминлаш белгиланди.

Албатта, инсоният бошиға мислсиз йўқотишлар, талофат ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши асоратларини ҳеч ким унутмайди, унутиб ҳам бўлмайди. Бу даҳшатли уруш ватанимиз сарҳадларидан анча олисда юз берган бўлса-да, унинг асоратлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтгани йўқ. 2 миллионға яқин ватандошимиз жангларда иштираётди ва афсуски, улардан ярим миллиони ҳалок бўлди.

Халқимизнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, бой тарихий меросини сақлаш ва бойитиш, ёшларни миллий ғурур, Ватанға садоқат, катталарға ҳурмат, кичикларға иззат руҳида тарбиялаш каби фазилатлар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг устувор вазифалари ҳисобланади ва партиясининг барча даражадаги депутатлари бугун бундай эзгу мақсадлар ҳаётийлигини таъминлаш борасида кенг қўламли амалий саъй-ҳаракатлар ташаббускориға айланган.

Шу ўринда халқимизға хос бўлган яна бир инсонпарварлик намунасини эътироф этмасдан илож йўқ. Уруш туйғули уй-жойи, ота-онаси, қариндошларидан ажралган ва фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва болаларни ўз яқинларидек қабул қилди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охири бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, дунёға юксак маънавий жасорат намунасини кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларини ҳимоя қилиш, кадр-қимматини, ор-номусини сақлаш, осойишта ҳаёти учун курашган инсонлар хотираси абадийдир.

Аҳмаджон ҒАНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

✓ Ҳисобот

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020 йил молиявий фаолияти юзасидан ҳисобот

«Сийёсий партиясини молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниға мувофиқ, ҳар йили Ҳисоб палатаси сийёсий партиясининг молия-ҳўжалик фаолияти текширувини ўтказида. 2021 йилнинг 1-19 март кунлари Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020 йилдаги даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларининг ҳаққонийлигини ўрганиш юзасидан текшириш ўтказилди.

2020 йилда партия ҳисоб рақамларига 22 млрд. 524 млн. 597 минг 500 сўм миқдоридан маблағ келиб тушган.

Партия ўз молиявий тўғрисидаги фаолиятини «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Сийёсий партиясини молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сийёсий партияларнинг уставка фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомға, ўз Устав ва Дастуриға мувофиқ амалға оширади. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатиға кўра, партия тизимида 14 та ҳудудий ташкилот, 206 та туман, шаҳар партия Кенгашлари ҳамда 6807 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб борган. Партия аъзолари сони 275 576 нафарни ташкил этган.

Жумладан, партиясининг уставка фаолиятини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 20 млрд. 113 млн. 494 минг сўм, аъзолик бадалларидан 1 млрд. 891 млн. 806 минг 400 сўм, ҳомийлик, ҳайрия ва бошқа тушумлар - 57 млн. 885 минг сўмдан иборат бўлган бошқа манбалардан эса 461 млн. 412 минг 400 сўм келиб тушган.

Партия ўз молиявий тўғрисидаги фаолиятини «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Сийёсий партиясини молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сийёсий партияларнинг уставка фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомға, ўз Устав ва Дастуриға мувофиқ амалға оширади. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатиға кўра, партия тизимида 14 та ҳудудий ташкилот, 206 та туман, шаҳар партия Кенгашлари ҳамда 6807 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб борган. Партия аъзолари сони 275 576 нафарни ташкил этган.

2020 йилда партиясининг жами харажатлари 21 млрд. 918 млн. 811 минг 400 сўмни ташкил этган. Шу жумладан, ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатларига 18 млрд. 859 млн. 337 минг 800 сўм сарфланган.

Партия Уставига мувофиқ, партия фаолиятини молиялаштириш манбалари - Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, аъзолик бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари ҳамда амалдаги қонунларға зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳисобланади.

Партия матбуот органиға ёрдам кўрсатишға 294 млн. 561 минг сўм сарфланган.

2020 йил 1 январь ҳолатиға кўра, партия ҳисоб рақамларидаги қолдиқ 2 млрд. 230 млн. 819 минг 400 сўмни ташкил этган.

Конференция ва съездлар ўтказишға 5 млн. 436 минг 400 сўм йўлланган.

Тарғибот-ташвиқот ва бошқа кўргазмалли материаллар нашр этиш, партия аъзоларининг ОАВда чиқишларини ташкил этишға 711 млн. 059 минг 400 сўм сарфланган.

Партия фаолларини ўқитиш, семинар ва тренинглар ўтказишға 7 млн. 046 минг сўм йўналтирилган.

Мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларига 1 млрд. 404 млн. 008 минг 400 сўм, сайловға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларға 39 млн. 795 минг 300 сўм сарфланган.

Бошқа харажатларға 578 млн. 509 минг 400 сўм йўналтирилган.

Бюджетға қайтарилган маблағ 19 млн. 057 минг 700 сўмни ташкил қилди.

Ил якуниға кўра, партия ҳисоб рақамларидаги қолдиқ 2 млрд. 836 млн. 605 минг 500 сўмни ташкил қилди.

Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси



КАЗБЕК

ёхуд боши учун Гитлер 50 минг немис маркаси ваъда қилган ўзбекистонлик жангчи ҳақида сўз



Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиги жанг майдонларида ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди эса построн бўлиб қайтди. 120 мингдан зиёд аскар ва офицерлар жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида 280 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафар учала даражасидаги «Славя» (Шухрат) орденига сазовор бўлган жасур юртдошларимиз бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, буюқ Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур.

Риштонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиволдиев халқимизнинг ана шундай жасоратли юртдошларимизнинг бири эди.

Мамадали Топиволдиев 1919 йилнинг 20 сентябрыда Риштон туманидаги Пандигон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Отаси Топиволди ака омоч ва қўш билан далага чиқиб, деҳқончилик қилган. Онаси Мелибуви эса фарзандлари тарбияси билан машғул бўлган.

Мамадали ўз меҳнат фаолиятини Риштон алоқа бўлимида почталонликдан бошлади. Кейинчалик тракторчилик касбига ишқи тушиб, Оқер қишлоғидаги 1-МЦ қошидаги курсда ўқиди. Армияга қақирилгунгача колхозда тракторчилик билан шуғулланиб, бўш вақтида риштонлик рус, тожик, татар миллатига мансуб ўртоқлари билан қўшни Бағдод қишлоғидаги Серово (ҳозирда Фурқат) темир йўл станциясида оддий ишчи бўлиб ишлади.

1939 йили армия сафига қақрилиб, ротада ҳайдовчи бўлиб хизмат қила бошлади. Унинг ҳарбий қисми Беларуснинг Ломжа шаҳри ёнида, 130-артиллерия полкидаги махус мотоцикл эди.

1940 йили Белосток шаҳридан полкка қайтаётганда Германиянинг ўта муҳим топиригини бажараётган жосусни тириклай қўлга туширишда жасорат намунасини кўрсатгани учун оддий аскар М.Топиволдиевга раҳматнома эълон қилиниб, у ҳукумат мукофотида тақдим этилади.

Кўп ўтмай, 130-артиллерия полки Ломжадан Белосоток шаҳрига кўчирилади. Ушбу шаҳар Рисли дарёси чегарасида бўлиб, унинг нарёғида немислар босиб олган Польша жойлашган. 1941 йил бошида давлат чегараси тез-тез бузилиб, осмонда немис самолётлари хуруж қилиш машқларини ўтказарди. 1941 йилнинг 22 июнида – уруш бошлаганида 22 ёшли оддий аскар Мамадали қуролдошлари билан тонг сахарда душмanning дастлабки ҳужумини қайтараётганда яраланади.

Тенгсиз чекиниш жанглирида Мамадалининг полки куршовда қолади. Шунга қарамай у кичик бир гуруҳ билан душман халқасини ёриб ўтиб, Могилев вилоятидаги ўрмонларда жон сақлайди. Ўрмонларга туташ бўлган Беларуснинг шаҳар ва қишлоқлари душман томонидан хонавайрон қилиниб, у ерларда қариялар, ногиронлар ва ёшлар ночор аҳволда яшардилар.

Оёғидан оғир яраланган Мамадали очлик-ночорлик ва сарсончиликларга қарамай, Писарево қишлоғига эмак-лаб келади. Ушанда бир аёл ярадор аскарни уйига олиб кириб ертўласида даволай бошлади. Ушбу аёл Анна Василевна Рилкова эди, унинг ўғли Иван ҳам армия сафида бўлиб фронтдаги жангларга сафарбар этилган.

Аммо қишлоқдаги сотқинлар Аннанинг уйда партизан яширинганини етказишгач, немислар уйини тинтув қилиб Анна

Рилковани қаттиқ жазолайдилар ва уйини портлатиб юборишади. Ертўлада картошка остига яширилган Мамадали эса тасодиф туфайлигина тирик қолади. Тинтувлар ўтгач у бир амаллаб Рацев ўрмонидаги партизанлар отрядига етиб олади. 1941 йилнинг ноябрь ойида Мамадали қуролдоши десантчи Николай Пехота билан фашистлар босиб олган Борисова шаҳрига яширинча кириб, немислар лагеридидаги 146 нафар ҳарбий асирни озод қилади. Лагер бўйидаги Березин дарёсидан ўтишдаги жанглардан эсон-омон чиққанлар ўрмондаги партизанлар ҳаракатига қўшилади.

Мамадали Топиволдиев 1942 йилнинг февралда яна бир оғир аҳволга тушиб қолади. Круглое шаҳрига разведкада бўлганида душман полицайлари қўлига тушиб қолади. Аммо хийла ишлатаниб, соқчини ўлдириб қочади. Шундан кейин Пасировка, Дудакович, Оглобли қишлоқларида қолиб кетган 13 нафар ҳарбийни топиб, партизанлар гуруҳини тузади. Кейинчалик улар Р.А.Кирпич раҳбарлигидаги партизанларнинг «Чекист» номли отрядига қўшиладилар. Командир Герасим Алексеевич отряди кейинчалик партизанлар бригадасига айланиб, рус, беларус, украин, ўзбек, тожик, қирғиз, молдав ва яхудийлардан иборат гуруҳ душман ортида кечаю-кундуз жанглар уюштиради.

1942 йилнинг июль ойига келиб, Орша, Шкловск, Круглянк ва Толочинск районларида ҳаракат қилаётган партизан отрядлари бирлаштирилиб, бригада ташкил этилади. Унга командир Александр Симдянкин (командир) бошчилик қилади. Мамадали бошчилик қилган 5-отряднинг разведка бўлими партизанлари эса дастлаб Смоленскдан Минск шаҳрига қараб кетаётган душмanning поездида ҳамла қилишиб, Троцилово – Славное станцияси яқинида душман офицерлари тўла бўлган эшелонга ҳужум уюштириб жасорат кўрсатадилар. Портлаш натижасида поезд бутунлай йўқ қилиниб, душманлар асирликка олинадилар. «Релслар бўйлаб олиб борилган жанглар»да темир йўлнинг 30 километрли масофасидида қақшатқич тўқнашувларда Мамадали бир неча марта жасорат кўрсатган.

Мамадали ҳар бир ўтказилган махус операция сўнггида дарахт ёки деворларга ханжари билан ўзининг «Казбек» лақабини ёзиб қолдиран ва шу тариқа душмanning қўрқувда сақлашга одатланар эди. Айниқса, Толочинск ёнидаги ботқоқликларда душман кучлари группировкасига қарши жангларда фашистларнинг йирик тўдаси йўқ қилинади. Шу йилнинг октябрь ойида Казбек қорамоллар, эчкиларни аҳолидан тортиб олиб, Подберезин қишлоғига тўплаган душмanning йўқ қилиш операциясини ўйлаб топади ва подани отряд штабига олиб келади.

1943 йилда «Чекист» партизан бригадасининг 5-разведка отряди командири Мамадали Топиволдиевнинг жасорати, мард ва жасурлиги Беларуссия бўйлаб тарқалиб, Олий бош қўмондонлик эътиборига тушади. Иккинчи Жаҳон урушидаги туб бурилиш палласида душман ортида партизанлар ҳаракати ҳам кучайиб, ҳал қилувчи, қўпорувчилик жанглари давом этади. «Чекист» бригадасининг «Релслар бўйлаб олиб борган жанги», ўрмондан туриб қилган ҳужумлари душманларга жуда қимматга тушади.



1943-1944 йиллар қиш даврида М.Топиволдиев жанговар топшириқларни бажариш пайтида бир неча бор пистирмаларга тушади, қуршовларда қолишига қарамай топшириқни бажариш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Москва, Минск ва Ташкент шаҳарларида партизанлар ҳаракати атаб ёзилган ҳужжатли-тарихий китобларда М.Топиволдиевга махус тўхталиб, унинг бир неча марта босиб олинган ҳудудлардан жуда катта қийинчилик ҳамда азоб-укубатларга дош бериб, «Катта ер» (яъни Москва, Кремль) билан алоқани тиклаб, Олий Бош қўмондонга муҳим ҳужжатларни ўз вақтида етказиб турган. Беларуссия партизанлар штабининг қайд этилган жанговар варақаларида эса «Казбек», «Чекистнинг қаҳрамонлиги» каби мақолалар босилиб турган.

Кўплаб маълумотларда Мамадали Топиволдиев яқка ўзи душман казармаларини барбод қилганлиги, 4 та ҳарбий эшелонни портлатиб 76 нафар фашист аскар ва ҳатто немис генералини асирга олганлиги, Адольф Гитлер Казбекнинг боши учун 50 000 рейхмарка пул «мукофот»и ваъда қилганлиги келтириб ўтилган.

Казбек ўзининг охириги жангини 1944 йил июнь ойида ўтказиб бўлгач, унга яна бир муҳим пакетни «Катта ерга» етказиб топширилади. Махфий пакетда Беларуснинг тақдирини республикани озод қилишда аҳолини хавфсизлигини таъминлаб, муҳим объектлар жойлашуви ва қақшатқич зарбаларни душманга қарши қайси йўналишларда олиб борилса мақсадга мувофиқлигига оид кўрсатмалар, партизанлар штабидида тайёрланган махфий хариталар бўлган.

Натижада 1944 йил ёзга келиб, Олий бош қўмондонлик қарорига биноан, Беларусни душмандан озод қилиш бошланади. Бутун фронт бўйлаб бир вақтнинг ўзидида душман

кучларига қақшатқич зарбалар берилиб, 1944 йилнинг 3 июль кунини Беларуссия тўлалигича озод қилинади. Партизанлар ҳаракати Беларуссия штабининг буйруғига биноан (29 июнь 1944 йил) Мамадали Топиволдиев 1-даражали «Ватан уруши партизани» медали билан тақдирланади. 1944 йил 5 июль кунини Мамадали Топиволдиев қўмондонлик кўрсатмасига асосан Орша шаҳар ҳарбий комендатурасига махус лавозимга ишга қабул қилиниб, қуролдошлари эса 2-Белоруссия фронти жангчилари сафига қўшилиб, Европани фашистлардан озод қилишга отланадилар.

1944 йилнинг 15 август кунини СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилиниб, унга кўра, Мамадали Топиволдиевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1945 йилнинг 8 май кунини Германия енгилганлиги ҳақидаги битимга имзо чеқканидан кейин Мамадали Топиволдиев она юрти – Ўзбекистонга, жонажон қишлоғи Пандигонга қайтади. Топиволди ота тўнғич ўғли Мамадалини Донохон деган қизга уйлантириб қўяди. Оилада Муборакхон, Аҳмадали, Ҳомиджон, Мавлудажон, Ҳасанбой ва Фарҳоджонлар туғилиб вояга етади.

Урушдан кейинги йилларда Мамадали Топиволдиев бир неча маротаба Беларуссияга бориб, озод қилган қишлоқларни, бепеён ўрмонларни ўз кўзи билан яна бир бор кўриб, қуролдошларини йўқлар, тутишган онаси Анна Василевна Рилковани ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий мадад беради. Круглянский ва бошқа районларда уни «Узимзининг Толя – Казбек», «Халоскоримиз», «Чекист», «Казбек ботир» деб кутлардилар. Ўзбек урф-одатларимизга кўра, Мамадали томонидан тутунган онаси А.В.Рилкованинг босқинчилар томонидан портлатиб ташланган уйи ўрнида замонавий хонадон қуриб берганини кўриб

ҳавас қилади. Мамадали Топиволдиев ҳаёти ва фаолиятини ўрганиши жараёнида Фарғона вилоятининг Риштон ва Бағдод туманларида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган кўплаб фахрийлар билан суҳбатлашди, шунингдек, 1985 йилда нашр этилган Жўра Саримсоқов ва Тоҳир Ҳамроқуловлар муаллифлигидаги «Риштонлик партизан» китоби билан танишиб чиқиб, уни қайта чоп этиш мақсадида айна кунларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур китоб муаллифларидан бири Т. Ҳамроқулов бизга 1944 йил июнь ойида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиволдиевнинг жанговар фаолиятига бағишлаб ёзилган тавсифнома кўлөзмасини тақдим қилди.

Унда шундай жумлалар бор: «Мамадали Топиволдиев разведка ўтказар экан кўпинча қулай вазиятдан фойдаланиб, ўз группаси билан душманга ҳужум қилар, уларнинг юрагига кўрқув солар ва натижада душман қисмлари орасида ўзаро тўқнашувлар юзага келарди. Немис полицийчилари горнизонлари ва отрядлари билан курашда унинг ташаббускорлиги, топқирлиги ва жасурлиги отряд ва бригадамиз партизанлари орасида доимо ҳавас уйғотарди.

Масалан, у Оршанск районидидаги Лисуни қишлоғида жойлашган «Волост» бошқармасига ҳужум уюштириб, кулини қўққа соворди. Волконосово қишлоғидида горнизонга тунда бостириб отишга уюштирилиши натижасида ваҳимага тушган полицийчилар ва немислар бир-бири билан жангга киришиб кетдилар. Жасур ва қўлга тушмас партизан М. Топиволдиев «Казбек» тахаллуси остида иш кўриши билан фахрланарди. Фашистлар эса уни «Осиё арслони» деб ҳам аташар эди».

1969 йил 6 май кунини Совет Иттифоқи қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Мамадали Топиволдиев фожияли ҳалок бўлди.

Бутун водий, Ўзбекистон халқи мотам тутиб уни сўнгги йўлга кузатиб қўйди. Афсонавий қаҳрамон қабрига Ўзбекистон ва Беларуссия республикалари ҳукумати номидан гулчамбарлар қўйилди. Эртаси кунини Беларуссиядан қуролдош дўстлари ҳам етиб келди: Игор Сафронов, Анатолий Мачаховский, Александр Якушка, Нина Куршевля, Александр Сметянкинлар қабри зиёрат қилди. Айниқса, Могилев областидан келган тутунган онаси Анна Василевна Рилкова ҳаммани йиғлатди: қабри кучоқлаганича Толя, деб чинқиргани дилларни порра-пора қилди...

Мамадали қабрининг тупроғидан олинган бир сиқимни А.В.Рилкова умрининг охиригача сақлайди. У Мамадалининг ўлимидан кейин узок яшамади. Анна Василевна авайлаб сақлаган тупроқни ўз қабр тупроғига қўшиб дафн этишни васият қилади.

Беларуссия Республикасининг Толочинск райони Писарево қишлоғи ҳозирда Топиволдиевқа (шаҳар типидидаги посёлкага айлантирилган) деб аталади. Минск шаҳридаги марказий кўчалардан бири ҳам ўзбек партизани номига қўйилган бўлиб, Круглое қишлоғидида қаҳрамонлар аллеясида Мамадали Топиволдиевнинг гранитдан ясалган бюсти ўрнатилган.

Қаҳрамоннинг она юрти – Риштон туманида марказий кўчага, махалла фуқаролар йиғинига ҳам Мамадали Топиволдиев номи берилган.

Йа айюҳа-л-лазина аману...

«Билгилки, инсон қалби сир-синоатлар кони ва жаҳоирот манбаидир, бироқ улар бу ерда темир ва тошдаги оташ ёки ер остидаги сув каби яшириндир. Ва бу сир-синоатларни самоъдан ўзга нарса ердамида очиш мумкин эмас. Негаки, қалб манзилга факат «эшитув даҳлизи» орқалигина ўтиш мумкин. Ило мавзун, таяносиб оҳанглар уларни ташқарига олиб чиқадилар».

Абу ҳомид Ғаззолий, «Ихё улум ад-дин»

Маълумки, маданият ва маънавиятимиз томирлари теран диний-фалсафий қарашлар булогидан сув ичиб кўкарган. Классик шеърятимиз, мусикамиз, барча санойи нафисамиз асрлар давомида Исломи дини ва тасаввуф тариқати таъсирида мислсиз даражаларга кўтарилган. Хусусан, Яссавий, Аҳмадий, Насимий, Навоий, Бобур ва Машраблар сўз-ташбех, рамз-мажоз, тамсил-нисбатлар ила фикр эркинлиги, маънавият, руҳият, муҳаббатнинг чексиз олами ва мўъжизакор кудрати ҳақидаги нозик мавзуларда сўз очиб, биз учун жуда катта маънавий мерос қолдирганлар. Шу тариқа, мавжуд бадиий қадриятлар, удумлар тасаввуф маконида замоннинг энг фаол маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгидан «туғилган».

«САМОЪ» НЕДУР?

Ушбу атаманинг қачон пайдо бўлгани маълум эмас. Аммо у «Халлоқнинг луғатиға кирилган ва демакки Ҳижранинг учинчи асридаёқ истеъмолда бўлган» (Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. 56-с.). Мансур Халлоқнинг таърифи, самоъ – бу Ҳақни кўриш ва уни тинглашдир.

Бу сўз Куръонда ҳам турлича шаклларида учрайди (Қаранг: Куръони Карим, 2:128, 224, 256; 3:34, 35; 5:83 ва б.). Мутахассисларнинг фикрича, дастлабки самоъ – куй намуналари Аллоҳнинг ер юзидаги элчилари бўлмиш пайгамбарларга ваҳий қилинган. «Самоъ» сўзининг биринчи маъноси – эшитмоқ, иккинчи маъноси – хониш, куйлаш, учинчи маъноси – руҳий завқу шавққа берилиш, яъни вазд ҳолатини англатади. «Эшитмоқ», «тингламоқ» маъ-

ноларини билдирувчи самоъ ҳадисшунослик ва мусулмон китобий маданияти атамаси ўлароқ, Ҳадис ва яхлит асарларни оғиздан-оғизга етказиш услубларидан ҳам биридир. Иккинчи маънодаги («хониш», «куйлаш») самоъ эса тасаввуф аънасидаги сўфиёна мажлисларда шеърларнинг куйга солиб ўқилишини (кейинроқ унга рақс ҳам қўшилган) англатади. Сўфиёна самоъ асрлар давомида бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб, дарвешона зикрга айланган. Демак, самоънинг кейинги маъноси – руҳий завқу шавққа берилиш, вазд ҳолати ҳам ана шундан келиб чиқади.

Эзма манбаларда самоъга турлича таърифлар ҳам берилди. Жумладан, Баҳоуддин Хуррамшоҳийнинг «Ҳофизнома»сида «Самоъ – луғавий маъноси эшитиш, узлуксиз тинглаш. Тасаввуф истилоҳида одоб ва сўфиёна рамзлардан иборат шеърларни хуш овоз ва мусиқа билан (рақс билан ёки берақс) тинглашдир», дейилади.

Яна шу манбада келтирилган, «Самоъ баъзи рисо-лаларда дўстлик мажлисидир, дейилади. «Кашф ул-луғат»да эса самоъ – рақс тушмоқ деб берилган».

АЛЛОҲ ВА БАНДАЛАРИ УРТАСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Бухорий-Калободий (ваф. 990), Али ибн Усмон Хужвирий (ваф. 1072), Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 1111) каби тасаввуфнинг Хуросон мактабига мансуб машур муаллифларнинг йирик асарлари («Китоб ат-таъарруф ли мазҳабит тасаввуф», «Кашф ал-маҳжуб», «Ихё улум ад-дин», «Кимиёи

саодат»)да илк бор мусиқа (самоъ) маънавий ҳаётнинг муҳим бўлаги дея баҳоланади. Улардан кейин Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1088 й.), Кутбиддин ал-Аббодий (XII а.), Шихобиддин Суҳравардий (ваф. 1191 й.), Мухйиддин ибн ал-Арабий (ваф. 1240 й.), Яхё Бохарзий (ваф. 1260 й.), Нуруллоҳ ал-Чистий (XVII а.) каби тасаввуфнинг турли тариқатлари вакиллари томонидан ҳам самоъ мавзусига бағишланган бир қатор рисоалар яратилди. Классик трактатлардан фарқли ўлароқ, ушбу тадқиқотларда мусиқанинг илмий назарияси ҳақида эмас, балки, унинг руҳият билан боғлиқлиги юзасидан баҳслар юритилди. Мусиқани англаш масаласи эса «Дар баъни самоъ» деб номланган махсус бобларда ўрганилди. Муаллифлар самоъни аввало Куръон ва Ҳадисни, шунингдек, табиатда мавжуд бўлган барча гўзал ва мавзун товушларни, жумладан, мусиқани эшита билиш, идроклаш маъносидида талқин этдилар. Хусусан Абдурахмон Суллабий Нишопурий (330-412-х.) ўзининг «Китоб ус-самоъ» асарида сўфийлар самоъсига ургу берар экан, мусиқага Аллоҳ ва унинг бандалари ўртасидаги ҳақиқатдир, дея таъриф беради.

«Кашф ал-маҳжуб» деб номланган йирик асарнинг «Самоъ ҳақиқати ҳақида» бўлимида эса Али ибн Усмон Хужвирий самоъни кўшга қиёслаб: «...у барча нарсаларни ёритади ва қиздиради, бироқ улар кўш нурдан турлича таъсирланади; бировлар куйиб кетса, бошқалар гурқираб равнақ топади» (Али ибн Усмон Хужвирий, «Кашф ал-маҳжуб», 320-б.), деб ёзади.

«ХИССИЁТИНГ НОҚИСТУРУР»

«Қозилардан бири одил ҳамроҳлари билан кетаётган чоғда бир жойдан руд самоъси эшитилди. Шунда Қози ҳамроҳларидан сўради: «Бу руд овози ҳақида не дерсиз?» Ҳамма дедики: «Яхши, хуш овозтурур». Аммо улардан бири деди: «Яхши эмасдур». Бир қанча вақтдин сўнг ул киши гувоҳлик бериш ваҳидин қози олдиға келди. Қози унинг гувоҳлигини жараҳ этди. Шунда ул киши сўради: «Не гуноҳ қилдим?» Қози деди: «Агар ўшал чоғ руд самоъсидин лаззат топиб, «лаззатланмадим» деган эрсанг, қозибтурурсен, нединким қозилар гувоҳ бўла олмайдилар. Ва агарда, ҳақиқатан ҳам лаззат тополмаган эрсанг – унда хиссиётинг ноқистурурким, ростни ёлгондин ҳам ажрата олмайсен. Не учунким, сен ҳақиқатга гувоҳ бўлолмайсен» (Абу Бакр бин Абу Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калободий. «Китобут-таъарруф ли мазҳабит-тасаввуф». – «Қавлуҳум фис-самоъ ва одобиҳи», 6-б.).

ГЎЗАЛ ОЛАМ ТАЖАЛЛИСИ

Борлиқни мифопозтик ва бадиий тасаввур қилиш услуби ўлароқ, сўфийлар диний-фалсафий қарашлар, рамзларнинг умумий тизимига мусиқани ҳам киритганлар. Зеро, мусиқа бошқа санъат турлари орасида

ҳақиқат ва унинг теварак оламга сингдирилган илоҳий мувозанатга эришиш йўлидаги ботиний ҳолатга жуда мувофиқ келар эди. Шу маънода, у сўфийларга хос макон – руҳият оламини яратиш учун энг муносиб асос бўлди. Мусиқани улар биринчи навбатда гўзаллик оламининг жилваси сифатида идрок этдилар. Хусусан, буюк мута-саввиф Ғаззолийнинг таъкидлашича, мавзун товушлар инсон жавҳарини ғайрихитирий равишда ҳаракатга келтиради, «шул сабабданким, у олами улвий (олий олам) билан алоқадордир. Олами улвий эса мутлақ гўзаллик ва мавзунлик оламидирки, пировардида, мавзунлик ва гўзалликнинг исталган кўриниши ўша гўзал оламнинг тажаллисидир» (Абу Ҳомид Ғаззолий, «Кимиёи саодат», 370-б.). Демак, мусиқа шу гўзаллик ва нафосатни таниш йўлидаги саъй-ҳаракатдир.

ХУШ ОВОЗДАН ЛАЗЗАТ ТОПМАСАНГ...

Сайид Жаъфар Сажжодийнинг машур «Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний» асарида Муҳаммад бин Идрис Шофеъийдан (вафоти 203 х.) куйидаги ҳикоят келтирилади: «Бир куни йўлда менга бир одам ҳамроҳ бўлди. Йўл юриб, бир жойга етиб келганимизда бир қаволнинг нағма чалаётганлигини кўриб қолдик. Тўхтадик ва мен ҳамроҳимдан сўрадим: «Шу самоъдан бирор нарса топдингми?» Деди: «Йўқ». Айтдим: «Демак, сенинг ички хис-туйғуларинг йўқ экан. Ҳар қимки хуш овоздан лаззат топа олмаса, бу шунинг аломатидирки, унинг дили мурда ва ботиний эшитиш ҳисси ботилдир».

«Китоб-ут-таъарруф»да куйидаги фикрлар битилган: «От-уловларга қарагилки, тўхтаб қолган чоғда агар унга қўшиқ айтса, самоъ қувватидин кучайиб, юкни яна анча жойга-ча элтади. Болага қарагилки, беланчақда йиғлаб турган чоғида онаси унга (алла) айтса, самоъ қувватидин ул ором олиб ухлаб қолади. Кўпгина девоналари самоъ билан даволайдиларки, то улар шифо топиб, хушларига қайтадилар». (Ал-Бухорий ал-Калободий. «Китобут-таъарруф ли мазҳабит тасаввуф»; «Қавлуҳум фис-самоъ ва одобиҳи», 6-б.).

Кутбиддин ал-Аббодийнинг ёзишича, Куръони Каримнинг «Йа айюҳа-н-нос» хитоби билан бошланувчи сураларида фақатгина шариятдан хабардор бўлганларга мурожаат этилади, «Йа айюҳа-л-лазина аману» хитоби билан бошланувчи суралар эса, тариқат йўлига кирганларга тааллуқлидир (Низамов А. «Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии». Т., 1998). Демак, самоъ ҳам аслида юксак маънавиятли, сайланган ва сайланган инсонларга лойиқ бир сифатдир.

Латофат ТОЛИБЖОНОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети
«Фалсафа тарихи»
кафедраси магистранти



Муҳаммад Юсуфга
апталди...

Шифо топган неча минг қалблар
Қанча диллар олғайдир таскин.
Муҳаммаддек туғма шоирлар,
Минг йилда бир туғилмас балким...
Сурурига тўймаган бирор,
Муҳаммаднинг шеърларин ўқиб,
Мен ҳам шоир ёзган шеъримни
Ўрибманда уволга тўкиб,
Ёзган минг-минг мисраларимни
Арзитадим шеър деб аташга.
Ҳатто менинг журъғатим етмас,
Орзуларда унга ўхшашга.
Балки мен ҳам бўларман шоир,
Муҳаммаддек ёзолман бироқ.
Фақат унга қуйилиб келган.
Илҳом отли «Лолақизгалдоқ»
Фақат унга ярашган мутлоқ,
«Ота макон» маъни куйлаш,
Ва «Ҳеч қимга бермайман...» дея,
Ўз юртини қизғониб яшаи.
Ҳа у ўша «Ойданда гўзал,
«Кундан гўзал» шеърлар эгаси.
«Бинафша»га суяниб олиб,
Шеърлар ёзган кундуз кечаси.
Фақат унга ярашган ахир,
«Улуғимсан ватаним» демоқ.
Бирор сохта сўз айтилмаган,
Бирор шеърга қўймаган ямоқ.
Ўрибманда шоирман деб,
Сўзларимдан сўзчалар тузиб,
Минг йилда бир келмас керак,
Тоza қалбли Муҳаммад Юсуф...

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андихон вилояти
кенгаши бош мутахассиси

Саломатлик сирлари



Кексайишга қарши оддий усуллар

Британиялик тизимли биология ва узок умр кўриш соҳасида эксперт Эндрю Стил кексайиш жараёнини секинлаштирадиган етти та оддий одатларни келтириб ўтди, деб ёзади Express нашри.

Гап доимий жисмоний ҳаракат, соғлом уйқу, озиқ-овқат қўшимчаларидан воз кечиш, таомда сабзавотлар кўп бўлиши, қон босими ва юрак урушини назорат қилиб бориш, тишларни соғлом сақлаш ва ноодатий парҳезлардан воз кечиш ҳақида бормоқда.

Мутахассиснинг таъкидлашича, ҳатто, мунтазам равишда ҳар куни ўн дақиқа пиёда юриш ҳам ижобий самара берар экан. Жисмоний машқлар бажараётганда организм зўриқтирмаслик керак, дея огоҳлантиради Стил. Унинг фикрича, ҳаддан ортиқ зўриқиб ҳаёт давомлигини қисқартириши мумкин.

Бундан аввалроқ АҚШдаги Стенфорд университети олимлари инсон кексайиши жараёнида учта асосий босқични маълум қилган эди.

Мутахассислар ёши 18 дан 95 гача бўлган 4263 кишининг қон плазмасини таҳлил қилиб, уч мингга яқин ҳархил турдаги оксилларни ўрганган ва уларнинг организмдаги улуши 10 йиллар давомида ўзгаришсиз қолганига гувоҳ бўлишганини ёзишган. Олимларнинг таъкидлашича, бироқ ёши 34, 60 ва 78 ёшдаги кўнгилларда оксиллар даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

ЎЗА

✓ Ёддо тунинг!

Қадр кечасининг 7 та аломати



1. Қадр кечасида сокинлик ҳукм суради. Атроф мусаффо, ёруғ, худди сукунатга ўралган ёғдули ой чарақлаб тургандек бўлади.
2. Осмондаги юлдузлар учмайди, бошқа жисмлар қалтис ҳаракат қилмайди. Касалликлар пайдо бўлмайди.
3. Ҳаво мўътадил бўлади, жуда иссиқ ҳам, жуда совуқ ҳам бўлмайди.
4. Эрталаб кўш қизариб, тоғарага ўхшаш, ёғдуси жуда заиф бўлиб уфқдан бош кўтаради. Сабаби ўша тун ва кунда кўп фаршларни ерга тушиб-чиқиб туриши оқибатида кўш нурларини ҳам тўсиб қўяди.
5. Қадр кечасида ёмғир-қор ёғмайди, ёғса ҳам ўта майин ва ёқимли бўлади. Шўр сувлар чуқук бўлади.
6. Дарахтлар ўз шохларини ерга эгилтириб туради.
7. Ўша куни шайтонлар чиқишига йўл қўйилмайди.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хурийд ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ

МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАХМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн:
Маъмурият ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адаби – 2705.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350х587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 516
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:50

ISSN 2010-7714